



JIZZAX VILOYATI ARNASOY TUMANI HOKIMI FARMOYISHI

2021 - yil 14 - oktabr

106-3-43-F/21

Arnasoy tuman hokimligi

Туман ҳокимлигидаги айрим штат бирликларига ўзгартириш қиритиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонунининг 22, 25-моддаларига мувофиқ;

1. Туман ҳокимлиги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишловчи масъул ҳодим 1 (бир) штат бирлиги туман ҳокимлиги хайдовчиси 1 (бир) штат бирлигига ўзгартирилсин.

2. Туман ҳокимлиги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишловчи масъул ҳодим штати ўзгариши муносабати билан мазкур вазифани бажариш туман ҳокимлиги молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари мажмуаси бош мутахассиси Анарбоев Элёр Немат ўғли зиммасига юклатилсин.

3. Э.Анарбоевга қўшимча вазифа юкланганлигини инобатга олган ҳолда 30 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўлансин.

4. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси Б.Муҳиддиновга мазкур фармойишда келтириб ўтилган ўзгаришларга асосан штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар қиритиш ва тайинланган масъул ҳодимларга ойлик иш ҳақиларини белгиланган тартибда тўлаб бериш топширилсин.

5. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исматов зиммасига юклатилсин.

Hokim



Х.Алимарданов